



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 3-aprel № 41 (3078) seshanba

Давра суҳбати: «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши 2012 йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатларини ўтказишни режалаштирган эди. Жойларда бўлиб ўтаётган мазкур тадбир тўғрисида мухбирларимиз хабар қиладилар.

Бирлашган ўзар

АНДИЖОН вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг мажлислар залида ўтган йиғилишида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, банк ва молия тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда касба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирок эттиди.

Тадбирни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев кириш сўзи билан очди.

— Қабул қилинган Бош келишув касба уюшмалари нуфузини ошириб, унинг жамиятдаги мавқени янада мустақамлаши билан бирга, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнамоқда. Бош келишувга асосан вилоят ҳокимлиги, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2012-2014-йиллар учун минтақавий Келишув лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бугунги тадбиримиз ўз навбатида мазкур лойиҳани пухта ишлаб чиқишга кўмаклашди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ниғорахон Ёқубова давра суҳбати жарёнида иштирокчилар диққат эътиборини галдаги вазифаларга, ечимини кутаётган муаммоларга қаратиб, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга етарли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш, ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлашишига эришишда касба уюшмалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини айтиб ўтди. Айниқса, оила фаровонлигига эришишда аёллар меҳнатини янада қадрлашга, бу йўлда касаначилик ва уй меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Вилоят иқтисодиёт бошқармасининг бошлиғи Б. Ниёзматов амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, 2011-йил якуни ва 2012-йилдаги муҳим вазифалар хусусида маъруза қилди. Жумладан, ўтган йил вилоятда 1006 та янги корхоналар ишга туширилиб, республика бўйича бу кўрсаткичнинг 40 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келган. Шундай йирик корхоналардан «Андижон пиво», «Биокиём», «Инвесттекстил», «Дашан-Нур-Жаҳон» фирмаси, «Довуд-Охун» гишт заводининг ишга тушуши натижасида саноатда ўсиш билан бирга, минглаб янги иш ўринлари яратилган. Асакадаги автомобилсозлик корхонасига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш мақсадида ташкил этилган корхоналарда маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилиб, 22 млн. долларлик валюта иқтисод қилинишига эришилган.

Вилоят марказий банки раиси вазифасини бажарувчи Маҳмуджон Отакуловга пластик картчалар тизimini тақомиллаштириш, иш ҳақида нақд пул маблағларини ўз вақтида ажратиш, касба уюшмаларининг 1 фоизлик бадалларини ўз вақтида ўтказиш, терминлар сонини кўпайтириш, юридик мақомдаги мижозларга энг кам иш ҳақининг бир баробари микдоридagi абонент тўловларини бекор қилиш масаласида тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Хозирги кунда вилоятда 7070 та терминаллар ишлаб турган бўлишига қарамастан, уларга бўлган эҳтиёт қаноатлантирилмаётгани йўқ. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун яна 4000 та терминал келтирилган.

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи И. Зокиров 2012-йилда вилоятда 619 млрд. сўмлик молиялаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилганлигини билдирди. Молия тизими раҳбарига кўпроқ соғлиқни сақлаш, таълим соҳалари вакилларининг муаммолари тўғрисидаги саволлар берилди.

Сўзга чиққанлар ечимини кутаётган муаммолар хусусида ўз фикр ва муло-

ҳазаларини билдирдилар. Айниқса, касаначиларга меҳнат дафтарчаси очиб орқали уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий имкониятларини кенгайтиришга доир мулоҳазалар кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Йиғилишида бундай фойдали учрашувни ҳар уч ойда ўтказишга келишиб олинди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ФАРФОНА вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи тўлови ва меҳнат муҳофазаси каби масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди. Унда вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва идоралар раҳбар ҳамда ходимлари, касба уюшма фаоллари иштирок этди. Тадбирни бирлашма кенгаши раиси М. Деҳқонов очди.

— Фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касба уюшмалари алоҳида ўрин тутди, — деди у. — Корхона, идора ва ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, ишловчиларнинг иш ҳақи вақтида тўлашиши, уларнинг меҳнат муҳофазасини талаб даражасида ташкил этиш биринчи галдаги вазифамиздир.

Очиқ-ошкора ва қизгин тарзда ўтган давра суҳбатида бу борада қилинган ишлар, ҳал этилишини кутаётган муаммолар хусусида сўз борди.

Касба уюшма ташкилотларига келадиган ариза ва шикоятлар орасида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг муружаатлари кўпроқ. Уларнинг бир қисми пластик картчалардан фойдаланиш билан боғлиқ. Маълум бўлишича, вилоятда 2500 та пластик картчалар билан ишлаш терминналари фаолият кўрсатмоқда. Яна 2000 та терминал ўрнатилиши арафасида. Албатта, бу фуқароларнинг пластик картчадан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим mudiri Шухрат Раҳимхўжаев таъкидлаганидек, айрим корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар етишмайди. Ҳар бир ишхона учун зарур бўлган, жамоатчилик асосида ишлайдиган бундай ходимлардан фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Яна бир масала. Кўпгина ишхоналарда чет эл техник жиҳозларидан фойдаланишда муаммолар мавжуд. Сабаби, уларнинг айримларида жиҳоздан фойдаланишга оид техника хавфсизлиги бўйича маълумотлар йўқ ёки тилимизга ўғирилмаган. Бу эса турли кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Давра суҳбатида, шунингдек, ўқувчи ёшларга имтиёзли чипталар жорий этиш, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича марказлаштирилган фондлар тузиш, фермер хўжалиқларида ходимларнинг меҳнат муносабатларини қонун асосида қатъий шакллантириш, хусусий тармоқдаги корхона ва ташкилотларда иш бевувиликнинг меҳнат қонунига риоя этилишини таъминлаш, автобусларда пластик картча орқали тўловни амалга ошириш каби кўплаб тақлифлар билдирилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

НАМАНГАН — Касба уюшма фаоли борки, жамият ҳаётининг ҳар жабҳасига ўзини дахлдор билади, — деди тадбирни кириш сўзи билан очар экан вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайхо Маҳкамова. — Ишловчиларнинг манфаатини ўз фойдасидан ҳам устун билувчи, уларнинг моддий, маънавий ҳаётини яхшилашга ҳар доим тайёр турувчи ин-

сонлар соҳамизнинг ривожлантирувчилари ҳисобланишади. Ҳақиқий касба уюшма етакчиси шу каби фазилатлари билан эл олдида обрў қозониши мумкин. Бугунги тадбирга ҳам ана шундай ҳамкасбларимиз йиғилган бўлиб, суҳбатимиз жароғини уларнинг мулоҳазалари билан танишамиз, муаммоларга биргалиқда ечим излаймиз. Зеро, республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилаётган давра суҳбатларининг муштарак мақсади ҳам шундан иборат.

Давра суҳбатида «Марказий банк» вилоят бош бошқармаси, молия ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси санитария-эпидемиология станцияси масъул ходимлари, шунингдек, Омбудсманнинг вилоятдаги вакили иштирок этиб, касба уюшма фаолларини қизиқтирадиган саволларга жавоб беришди. Тадбир ўта қизгин ва жонли тарзда кечди. Муайян соҳаларда учраётган муаммоларга шу ернинг ўзида ойдинлик киритилишига эришилди. Бу эса, табиийки, касба уюшма аъзоларининг манфаатини янада самарали ҳимоя этиш тизимига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади.

Муаммоларнинг ўринли ўртага ташланаётганини ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этишди ва уларнинг ечимини топишда биргалиқда изланишга келишиб олинди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

ТОШКЕНТ шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтган тадбирда шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, шаҳар Фазначилик, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, бошқа бир қатор ташкилотлар вакиллари, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг касба уюшма етакчилари иштирок этишди.

— Кейинги вақтда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик кўлами сезиларли даражада кенгайди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бирлашма Кенгаши ва шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасидаги 2011-2013 йилларга мўлжалланган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳудудий Келишув имзоланди. Шу асосда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳнатқашларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш бўйича ишлар амалга ошириб келинмоқда, — деди шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Нурилла Насимов. — Ўтган йили касба уюшма хизматида олинган 3789 та юридик шахснинг 2867 тасида, яъни 75,6 фоизда жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 2888 та ташкилотда 474 минг 833 нафар меҳнатқашнинг манфаатлари қамраб олинди. Шунга қарамай, фаолиятимизда айрим муаммолар ҳам учраб турибди. Мазкур давра суҳбатидан кўзда тутилган асосий мақсад ана шу муаммолар ечимига биргалиқда йўл топишдир.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар кўтарилган масала бўйича фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаб, тегишли ташкилот мутасаддиларидан жавоб кутишди.

— Давлат корхоналаридаги ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитлари яратиш, уларни махсус кийим-бош ҳамда пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш иш бевувилик заримасига юклатилган, — деди шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим mudiri Р. Маҳаммадиев. — Аммо шу мақсад учун етарлича маблағ ажратилмапти. Шунингдек, давлат муассасаларида иш жойларини аттестациядан ўтказиш масаласида ҳам маблағ танқислиги сезилляпти.

Давра суҳбати иштирокчилари тегишли ташкилотлар вакилларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилиш, йўлларда техника воситаларининг тўғри ҳаракатланиши, жиноятларнинг олдини олишда, шубҳасиз, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган сержантларнинг муносиб ўрни бор. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ҳар томонлама етуқ кадрларни тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур ўқув даргоҳида ички ишлар тизими учун муҳим бўлган бир қанча йўналишлар бўйича сержантлар тайёрланмоқда.



Ўтган шанбада Академиянинг саф майдонида сержантлар таркибининг тайёрлаш бўйича Олий ўқув курслар курсантларининг навобатдаги битирувига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Яна беш юздан зиёд сержантлар ўқув даргоҳини битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйишди.

Тадбирда Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, Академия раҳбарияти, ота-оналар курсантларини ҳаётидаги бу қувончли кун билан табриклаб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан бахариш, ўз хизмат вазифаларини сийқидилдан адо этишга қадам қўйиб, битирувчилар номидан кичик сержант Р. Юлдашев сўзга чиқиб, дил ланаётганини ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этишди ва уларнинг ечимини топишда биргалиқда изланишга келишиб олинди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Оқ йўл сизга, сержантлар!



лардан чуқур билим олиб, етуқ мутахассис бўлдим. Катта ҳаётга қадам қўйар эканман, таълим берган барча устозларимга ташаккур билдираман. Уларнинг ишончини оқлаш, Ватанга содиқ фарзанд бўлишга ваъда бераман. Шундан сўнг ҳаяжонли да-

қиқалар бошланди. Дипломларини қўлга олган битирувчиларни шу дамларни орзиқиб кутган ота-оналари гуллар билан қарши олишди. Уларни мустақил ҳаётга қадам қўйётганликлари билан табриклашди.

Ўз мухбиримиз

Хушхабар

Яқинда Нукус Ҳарбий горнизонига қарашли қисмда хизмат қилаётган Ҳамид Аташев оиласида уч нафар чақалоқ туғилган ҳақида хушхабар тарқалди. Фарзанд икки кишининг дил риштасидир. Зеро, бугунги кунда Аташевлар оиласидан мустақамроқ оила бўлмас керак. Бунгача уч қизни тарбиялаётган бахтиёр ота-она эндиликда янги дунёга келган Дилмира, Илмира, Гулмирани ҳам севиб-суюб вояга етказишмоқда.

Уч эгизак, уч қиз

— Сержант Ҳамид Аташев зиммасидаги вазифаларини ва раҳбарият томонидан берилган топшириқларни аъло даражада бахариши билан қисмда катта ҳурмат-эътибор қозонган, — дейди Ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Насиров.

— Сержант Ҳамид Аташев зиммасидаги вазифаларини ва раҳбарият томонидан берилган топшириқларни аъло даражада бахариши билан қисмда катта ҳурмат-эътибор қозонган, — дейди Ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Насиров.

— Ушбу меҳнат сайлида вақтинча иш билан банд бўлмаган 162 нафар фуқаро қатнашди. Улардан 49 нафари 18-30 ёшгача бўлганлар, 46 нафари

Тухфа

Замонавий гузар

Мустақам оила йили Зарафшон шаҳридаги «Шахтёр» маҳалла аҳли учун қувончли келди. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан қурилган замонавий гузар фойдаланишга топширилди.

Эндиликда 6772 нафар аҳоли истиқомат қилувчи мазкур маҳалла фуқаролари янги ошхона, тикув цехи ва бошқа қатор сервис хизмати шохобчалари хизматидан баҳраманд бўлишаётир. Энг муҳими, 22 нафар ёш иш билан таъминланди.

Миллиция таянч пункти ва туман паспорт бўлимининг шу ерда жойлашиши аҳолига янада қулайлиқ туғдирди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат сайли

Узун тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, ички ишлар ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида Узун кишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида меҳнат сайли ўтказилди. Унда 105 та корхона ва ташкилот 427 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

хотин-қизлар, 67 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. 90 нафар фуқарога 15 нафар ёш ҳам бор. Ўтган йили 8 марта меҳнат сайли ўтказиб, 443 нафар коллеж битирувчисининг ишга жойлашишига ёрдам берган эдик, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғи Алишер Дўстматов.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

Газетада босилмаси ҳам

Бир мақолага икки жавоб

Сардоба тумани мактабларидан тайёрланган «Ishonch» мухбири Абдуманноп Азимовнинг «Палтога ўраниб... дарс тинглашмоқда» сарлавҳали танқидий мақоласи вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.

Мақолада келтирилган камчилик ва қонунобузликка йўл қўйган Сардоба туман халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири А.Шукуров, бўлимнинг муҳандиси Р.Қамолов, «Таълим таъминот» давлат унитар корхонаси Сирдарё вилоят филиали директори З.Жонибековга вилоят халқ таълими бошқармасининг 2012 йил 20 февралдаги 61-сонли буйруғи билан «хайфсан» интизомий жазоси берилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасига аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чораларини қўриш вазифаси юклатилди.

Б.БҲУРОНОВ, Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари

«Ishonch» мухбири А.Азимовнинг «Палтога ўраниб... дарс тинглашмоқда» сарлавҳали мақоласи юзасидан туман ҳокимлигида 21 та умумтаълим мактаби, 11 та мактабгача таълим муассасаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда куз-қиш мавсумини ўтказиш, ободонлаштириш ишлари ҳамда ўқитувчиларнинг ойлук маошларини вақтида ҳисоб-китоб қилиниши масалалари муҳокама қилинди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бўйича ҳар бир таълим муассасаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида алоҳида чора-тадбирлар белгиланди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган мактаб ва тегишли ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

И.ШОИМОВ, Сардоба туман ҳокими ўринбосари

Инсонга наф келтириш — олий бахт

У курашиб яшайди

Тадбиркор, ташкилотчи, раҳбарлик салоҳиятига эга. «JARKURGONNEFT-QAYTASHLASH» Ўзбекистон Россия қўшма корхонаси ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси Саодат Хўжамбердиева ана шундай фазилат эгаси бўлган фидойи аёлларимиздан. Сурхондарё санати ривожда Жарқўрғон туманида иш бошлаган мазкур қўшма корхонанинг ҳам муносиб улуши бор. 497 нафар ишчи-ҳодим замонвий технология асосида ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Улар тайёрлаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги ортиб, харидорлар сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам беҳиз эмас.

— Иш бошлаганимизга ҳали ҳеч қачна вақт бўлмас-да, жамоамиз қаддини ростлаб, турдош корхоналар билан рақобатлаша оладиган даражага етдик, — дейди С. Хўжамбердиева. — Бу корхона раҳбарияти ва касабга уюшма кўмитамизнинг ҳамкорликда олиб бораётган ибратли ишлари, ишчи-ҳодимларимизни ҳам томонлама ижтимоий ғимоялашимиз натижаси,

десақ хато қилмаймиз. Амалдаги жамоа шартномасига асосан, ҳар бир ишловчи ҳодимга ўртача 650 минг сўм иш ҳақи тўғри келмоқда. С. Хўжамбердиева сайъ-ҳаракати билан корхонада маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш юзасидан ишчи гуруҳлар тузилиб, режа асосида иш олиб борилмоқда. Жумладан, куни кеча Президентининг «Ўзбекистон мустақиллик эришиш оstonасида» асарини ўрганиш бўйича ўқув машғулоти ўтказилди.

Корхона ишчиларига жамоа шартномасига асосан қўлай иш шартини яратилган. Аввало, ишчи-ҳодимларнинг ишга келиб-кейтиши учун автоуловлар ажратилган. Уларга бепул иссиқ овқат берилиши ҳам йўлга қўйилган. Ҳар бир цехда дош олиш хоналари жиҳозлар билан безатилган. Ишчи-ҳодимларнинг ишга келиб-кейтиши учун автоуловлар ажратилган. Уларга бепул иссиқ овқат берилиши ҳам йўлга қўйилган. Ҳар бир цехда дош олиш хоналари жиҳозлар билан безатилган. Ишчи-ҳодимларнинг ишга келиб-кейтиши учун автоуловлар ажратилган. Уларга бепул иссиқ овқат берилиши ҳам йўлга қўйилган.

ҳодимларни ўқитиш ва билимларини синнаш борасида касабга уюшмаси гуруҳи тузилган. Бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари келиб чиқиш сабабини ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан тузилган тадбирлар ўз вақтида бажарилапти.

«Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси» хона ва бурчаклари ташкил этилган бўлиб, ҳар йили ишчи-ҳодимлар корхона ҳисобидан тиббий куридан ўтказилади. Ишловчилар иш вақтида махсус иш кийимлари билан таъминланган. Иш вақтида уларга сут ва қатиқ маҳсулотлари берилади. Муҳими, меҳнат хавфсизлиги бўйича жамоатчи назоратчиларнинг ишлари фаоллаштирилиб, улар касабга уюшма маблағи ҳисобидан ўқитилмоқда.

Маъмурият ва касабга уюшма кўмитаси томонидан ҳар бир байрамда тумандаги нурунийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, совғалар улашади. Нафақага чиққанларга ҳам касабга уюшма маблағидан муқофотлар бериш йўлга қўйилган. Анъанавий

Меҳнат муҳофазаси, ишчи-



Ходимларимиз ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар, хонадонларнинг ёнгина қарши ҳолатини яхшилаш, ёнгин содир бўлиши, фалокат туфайли инсонларнинг ҳаётдан қўз юмиши ва тан жароҳати олиши каби бахтсиз ҳодисаларни камайитиришга қаратилган тадбирлар режаси асосида иш олиб бормоқда. — дейди туман ИИБ ЕХБ 3- ҳарбийлаштирилган отряди командири, майор Раҳимжон Баратов. — Турли шаклдаги мулкларнинг ёнгиндан асраш, аввало, ўша жойда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига нечоғли амал қилинаётганига боғлиқ. Бунинг учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларидан хабардор бўлиш керак. Шу мақсадда ходимларимиз томонидан бир қатор таълим муассасалари, корхоналар, маҳалла фуқаролар йиғинларида тушунтириш ишлари, учрашувлар уюштирилапти. Жорий йилнинг ўтган дав-

Ўт ўчирувчилик касби кишидан фидойилик, мардлик, жисмонан бакуватлик каби фазилатларни талаб қилади. Давлат ҳамда фуқароларнинг мулки, саломатлиги, ҳаётини ёнгиндан асраш ички ишлар идоралари ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимларининг вазифаси саналади. Соҳа вакиллари бу борада, аввало, ёнгин чиқишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Миробод туман Ички ишлар бошқармаси ЕХБ томонидан ҳам ушбу йўналишда талай ишлар амалга ошириляпти.

Халқ хизматида

рида ҳудуддаги 2575 та корхона-ташкilotдан 214 тасида батафсил, 101 тасида тезкор, 74 тасида қайта текширув олиб борилди. Бундан ташқари, давлат тасарруфидидаги 298 та аҳоли турар-жой биноси, фуқароларга қарашли 3647 та уй назоратдан ўтказилди. Шунга қарамай, ёнгин содир бўлиш ҳолатлари кузатишмоқда. Мисол учун, сигарет чекиш пайтида эҳтиётсизликка йўл қўйилганлиги Қўйилқ 1-масив, 14-уй, 39-хонадонда ўт чиқишига сабаб бўлган. Натижада, фуқаро Р. Жданов 12 фойиз қуйиш жароҳати олган. Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин.

ИИБ ЕХБ ходимлари томонидан олиб борилган текширувларда 3887 та ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ҳолати аниқланди. Уларнинг 587 таси бартараф этилди. Ёнгин хавфи мавжуд бўлган 92 та ташкилотнинг фаолияти вақтинча тақиқлаб қўйилди. 703 мартада ёнгин келиб чиқиш хавфи бўлган электр тармоқлари, иситиш жиҳозлари ва ускуналардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди. Тегишли тадбирларни

спорт мусобақалари кекса-ю ёшга манзур бўлмоқда. Яқинда «Жарқўрғоннефт» ОАЖ, Сурхондарё электр тармоқлари ва «Термизнефт» корхоналари ишчилари ўртасида футбол турнири ўтказилди.

Бундан ташқари, ўтган йили кам таъминланган оилалар фарзандларини соғломлаштиришга 8 млн. сўм маблағ сарфланди. Корхона касабга уюшма маблағидан 6 нафар касабга уюшма аъзоси республика ситхатҳоҳларига соғломлаштирилди. Ишчи-ҳодимларнинг 69 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

— Корхона қошида касаб-бақўм С. Хўжамбердиева ташиббуси билан спорт зали ва турли ўйингоҳлар ташкил этилмоқда. Биргина спорт залимизга 300 млн. сўмлик спорт анжумлари келтирилди. Эндиликда, ишчиларимиз бўш вақтида ўзлари истаган спорт тўғрақларига қатнашдиляри, — дейди корхона спорт ўйриқчиси Алишер Норбоев.

— Аёлнинг жони қирқта дегани рост. Қарангки, шунча ишга бош-қош бўлган Саодат хон тўй-маъракаларимизда ҳам ҳозир-у нозир. Унинг толиқидим, чарчадим деганини эшитмаганман. У оиласининг, фарзандларининг ҳам кўнглидан жой топган меҳрибон аёл, — дейди корхона бош муҳандиси Баҳодир Сайфиддинов.

С. Хўжамбердиева улуг орузу — инсонларга наф келтириш иштиғки билан яшайди. Уни амалга ошириш учун интилади, курашади, аммо сира чекинмайди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

2012 йил — Мустаққам оила йили

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан давлатимиз томонидан жамиятда оиланинг ўрнини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига бағишланган алоҳида боб мавжудлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, Оила Кодекси ва кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Барқарорлик асоси

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофазга қилиш, оила қонуночилигига доир ҳуқуқий ҳужжатлар, бу борадаги Президент Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофазга қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаққамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти ва афзаллиги» каби мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда. Мутахассислар маслаҳати ёшларнинг оила қуриш масаласига масъулият билан ёндашишига кўмак берапти.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ФХДЭ бўлими, ҳокимият, ҳуқуқни муҳофазга қилувчи идоралар, «Қамолот» ЕИХ, маҳалла, соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари иштирокида «Оила — муқаддас даргоҳ», «Соғлом она — соғлом бола», «Репродуктив саломатлик», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти ва афзаллиги» каби мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда. Мутахассислар маслаҳати ёшларнинг оила қуриш масаласига масъулият билан ёндашишига кўмак берапти.

Миршод НАСУЛЛАЕВ, Шерзод ШАРИПОВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари

Орамиздаги одамлар

Кураш халқимизнинг семимли спорт турларидан. Суннат тўйлар курашиш ўтмайди. Бир пайтлар Помук, Чандир, Хитой қишлоқлари чайир полвонлари билан машхур эди. Помуқлик Ҳаким полвон, Жумагули полвон, Турди полвон, Нортожи полвонлар ҳали ҳам элнинг фахри.

Тобчи полвон

Қишлоғимизда 60-70 йилларда Яхши Омонов деган курашга қизиқувчан, ёш полвонлар тарбиясига алоҳида эътибор берадиган ҳўжалик раҳбари бор эди. Қовчинда ҳам бинийдек курашадиган, елкасига белбоғини ташлаб давра айланадиган ёш полвонлар эл озғига туша бошлади. Рўзи полвон, Омонгулачи полвон, Бўри полвон, Пулат полвон, Жума полвонлар Яхши бобо Омоновнинг қалдиригочлари эди. Уша пайтларда Яхши бобо номига Чандир Помуқдан, Жайнову Қамашидан, Нишондан тўй хатлари келарди. Хатни олган Яхши бобо машинаси билан қишлоқдаги полвон йиғитларни топтириб келарди.

Яхши бобо тўя жундан тўқилган чакмонни кийиб, уларни курашга олиб кетар эди. Уша пайтлар, ёшлик эканда, бизлар ҳам узоқ қишлоқларга тўйкурашни томоша қилишга борардик. Бобо давраларда қайиновлик қиларди.

60-йилларда Қовчин қишлоғида катта курашли тўй бўлди. Шу йилларда Қарши давлат институтини (ҳозирги университет)дан бир неча полвон талаба: Исмоил полвон, Шариф полвон, Йўлдош полвон Қовчинга Бозор Шоймардоннов деган одамнинг тўйига келишди. Тўйнинг кураши қизиқ бўлади. Тумонат одам катта давра бўлган. Ҳар жойдан келган полвонлар алоҳида-алоҳида ўтиришади. Бешта-ўнта полвон яқтак кийиб, белбоғни елкага ташлаб, давра бўйлаб гуруҳ-гуруҳ айланяшади. Институт полвонлари айланганда: «Шариф полвонга менинг полвоним чиқади», деди оқсоқол Яхши бобо. Кейин ўрта бўйли, зингил йиғит Рўзи полвонга: «Чиқ, ўғлим», деди. Рўзи полвоннинг юраги гун-гун урарди. «Худо ёринг бўлсин болам, омин», деб фотиҳа берди Яхши бобо. Ҳамманнинг нигоҳи икки полвонда. Бақовул Яхши бобо: «Биринчи товoқ Шариф полвонники, қовчинлик Рўзи полвон унга даъвогар», деб эълон қилди.

Қишлоқдошлар кўнглида Шариф полвон Рўзини эзиб ташлайди, бекор чиқапти, деган хавотир уйғонди. Билганлар Шариф елкачи (елкадан ошириб ташловчи), Рўзи полвоннинг тобчилигини айтишмоқда. Иккаласи давра айлиниб ёқа ушлашди. Куч синашди. Шариф бепасандлик қилдики, оёқ кўтариб чил соламан деганда Рўзи полвон ўз услуби билан тоб (оёқ кўтарилганда бирдан тоблаб йиқитиш) қилди. Шариф полвоннинг кураги ер искади. Ана қарсақ! Қий-чувлар даврани тўлдирди. Шу-шу Рўзи полвонда тоб бор дейишди. Билан-кетин бўлаётган тўйларда Рўзи полвон бу нозик усул билан кўп полвонларнинг курагини ерга теккизди.

Ҳозир Рўзи полвон 80 ёшда. Тобчи Рўзи полвон номини олган. Ёшларга полвонлик сирларини ўргатиш, жисмонан бақувват бўлиб етишишига ҳисса қўшмоқда.

Худойберди НАЗАРОВ Қарши тумани

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 октябрда 385-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган ва Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-ўйда жойлашган «Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази» Республика жамоат бирлашмаси тугатилган деб ҳисоблансин.

Ушбу маълумот эълон қилингандан сўнг 2 ой мўддат ичида тегишли ариза ва шикоятлар қабул қилинади. 29-41-17, факс 239-13-56.

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 октябрда 385-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган ва Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-ўйда жойлашган «Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази» Республика жамоат бирлашмасининг давлат рўйхатига олинган устав ва гувоҳномасининг асл нусхалари ҳамда муҳр, штамплари йўқолишига сабабли ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашманинг молия бўлими мудири Собир Жабборовга падари бўзруквори АБДУРАЗЗОҚ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Томорқа хўжалиги касабга уюшма оталиғида

Саломатлигимиз тўйимли, сифатли, дармондориларга бой мева ва сабзавотлар истеъмол қилишимизга, яъни иммунитетимизнинг мустаққамлигига боғлиқ. Уларни сотиб олишнинг доим ҳам имкони бўлавермаслиги мумкин, аммо тасаввур қилинг, ушбу неъматлар ўзимизнинг томорқамизда етишса-чи? Аввало, фарзандларимиз баҳраманда бўлади, ортгани бозорга олиб чиқилади, тушган маблағ эса рўзгор қорига ярайди.

Ҳамқишлоқлар ҳузурда

Айни пайтда ушбу йўналишда салмоқли қадамлар қўйилмоқда. Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни тарғиб-таъшиқ ҳамда назорат қилиш ишларида биз ҳам четда қараб турганимиз йўқ. Нишон туман қишлоқ ва маҳаллаларида мониторинг олиб борилди. Пахтазор қишлоқ фуқаролар йиғини ахли фаолияти ўрганилди. Қўқор ва Жовли Холмуродовлар, Бердимурод Раҳмонов, Шукур Бекмуродов, Абдушукур Қўзибобоевлар томорқасида мевали дарахтлар гуриқраб ўсмоқда. Шунингдек, картошка, беда ҳам экилган. Қолган экинлар учун ер ағдариб, тайёрлаб қўйилди. Яна 19 бош йирки, 70 бош майда шохли моллар боқилапти.

Нишон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 11380 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ҳам баҳорги экин-тикин ишлари авжда. Томорқаси бўш ётган хонадонлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Намунали ишларни кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан тайёрланган махсус плакат ва буклетлар тарқатилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аҳолини кўчват ва уруғликлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида махсус дўкон очиб қўйилгани эл юмушини осон қилмоқда. Бунга қўшимча равишда тўртта «Дамас» автоуловиди уруғлик, кўчат ҳамда дехқончилик инвентарлари савдоси билан шуғулланадиган кўча шохобчалар ташкил этилди. Минерал ўғитлар ҳамда зараркундаларга қарши курашиш воситалари харириди йўлга қўйилди.

Туман марказидаги савдо дўкони ҳам миришқорлар хизматида. Дилбар ТўХТАЕВА, Ушбақаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Ғиждувон туманидаги «Улфатбиби» қишлоқ врачлик пункти ҳовлисида 5 сотихча экин майдони бор. Бошқа ҚВПлар ҳам бундан кам бўлмаган унумдор ерларга эга. Аммо турдош муассасалардан фарқи ўларoқ «Улфатбиби» мўъжаз даласи ҳавас қилса арзигулик.

«Улфатбиби» «дала»си

— Жамоамиздаги 25 нафар шифокор ва ишчи-ҳодимнинг асосий вазифаси ҳудудимиздаги 9 та қишлоқда истиқомат қилаётган 5667 нафар аҳоли саломатлигини муҳофазга қилишга қаратилган, — дейди ҚВП мудири Сувоп Ражабов. — Ишдан бўш пайтларимизда тасарруфимиздаги ер билан тиллашамиз. Шифо мақсади атрофидидаги турли нав тоқ навдалари бўла-жақ ҳосилдан дарак берса, олма, ўрик, гилос, бодом, шафтоли каби дарахтлар қийғoс гуллаб ажиб манзара касб этган. Шунингдек, картошка, пияёз, помидор, бодринг, сабзи, бўлғор қалампирни, шолғом, турп, саримсоқ каби сабзавотлар етиштирилмоқда. Улар тушлик овқатга асқотади, ортгани бозор нархидан 50 фойиз арзон нарх-

да ходимларга сотилади. Туш-жан даромад эса ҚВП ҳисоб рақамига кириб қилиниб, хайрли ишлар учун сарфланади. Жамоа шартномасида қайд этилганидек, кам таъминланган оилалар ундан бепул баҳраманд бўлишмоқда. Ишни намўнали ташкил этишда, борбон Ҳамид Шароповнинг хизматлари катта.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилётган корхоналар рўйхати

Table with 8 columns: №, Корхона номи, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ХТУТ (ОКРО), Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва буржак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар ички ой мوباидида Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 18-уй Миробод туман ҳокимлиги корхоналарини тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига муурожаат қилишлари мумкин.

Миробод тумани ДСИ бошлигининг биринчи ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи А. ҲАКИМОВ

